


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**«СУД ТИББИЙ АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГИК
ЭКСПЕРТИЗА АСОСЛАРИ.
БАХСЛИ ЖИНСИЙ ХОЛАТЛАР ВА ЖИНСИЙ
ЖИНОЙИ СУД ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАЛАР».**

**Тиббиёт олий укув юртлари IV курс талабалари учун услубий
қўлланма**



Бухоро-2008 й.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
АБУ АЛИ ИБН СИНОНОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**«СУД ТИББИЙ АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГИК
ЭКСПЕРТИЗА АСОСЛАРИ.
БАХСЛИ ЖИНСИЙ ХОЛАТЛАР ВА ЖИНСИЙ
ЖИНОЙИ СУД ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАЛАР».**

Тиббиёт олий укув юртлари IV курс талабалари учун услубий қўлланма

БУХОРО-2008 й.

- Тузувчилар:**
1. БухДТИ «суд тиббиёти ва патологик анатомия кафедраси» муdiri
доц. Очилов К.Р.
 2. БухДТИ «суд тиббиёти ва патологик анатомия кафедраси» ассистенти
Қаюмов Ж.Т.
 3. БухДТИ «суд тиббиёти ва патологик анатомия кафедраси» ассистенти
Очилов А.К.

- Тақризчилар:**
1. Тошкент Давлат Тиббиёт Академияси «Суд тиббиёти» кафедраси муdiri, тиббиёт фанлари доктори, профессор
З.А.Гиёсов
 2. Бухоро Тиббиёт институти «Паталогик анатомия ва суд тиббиёти» кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди
Р.К.Болтабоев

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
АБУ АЛИ ИБН СИНОНОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**«ТАСДИКЛАЙМАН»
Уз.Р.ССВнинг Тиббий
таълимни ривожланти-
риш маркази директори
доцент Т.С.Саидов**

« _____ » _____ 2007 йил

**«СУД ТИББИЙ АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГИК
ЭКСПЕРТИЗА АСОСЛАРИ.
БАХСЛИ ЖИНСИЙ ХОЛАТЛАР ВА ЖИНСИЙ
ЖИНОЙИ СУД ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАЛАР».**

Тиббиёт олий укув юртлари IV курс талабалари учун услубий қўлланма

БУХОРО-2008 й.

СУД ТИББИЙ АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА АСОСЛАРИ. БАХСЛИ ЖИНСИЙ ХОЛАТЛАР ВА ЖИНСИЙ ЖИНОЙ СУД ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАЛАР.

Суд тиббий акушер гинекологик экспертиза факат терговчи, прокурор, суриштирув олиб бораётган шахс карори ёки суд ажримига кура утказилади. Бундай экспертиза содир булган воқеадан кейин эрта канча утказилса, унинг натижаларини самарадорлиги шунча катта булади. Шунинг учун, шишилиш текширув талаб килинадиган алоҳида ҳолларда агар юзага келган вазиятга кура экспертиза утказиш тугрисида қарорни уз вақтида олиш мумкин бўлмаса, жабрланувчи суд-тиббий акушер- гинекологик куриқдан утказиш, истисно тариқасида жабрланувчилар, шунингдек, уларнинг қонуний вакиллари, ота-оналари ва бошқа тегишли мансабдор шахслар аризасига кура бўлиши мумкин.

Суд тиббий акушер гинекологик экспертизалар қуйидагиларни аниқлаш учун утказилади.

1. Жинсий балогатга етганликни;
2. Боқиралик бузилганлигини;
3. Зурлаб жинсий алоқа қилишга ҳос тиббий –биологик белгиларни;
4. Фахш ҳаракатларга ҳос тиббий –биологик белгиларни;
5. Қушилиш ва бўйида бўлиш қобилиятини;
6. Ҳомиладорлик ва утган туғишни;
7. Ҳомиладорлик узилишининг жароҳат билан боғлиқлигини;
8. Ҳомиладорликни сунъий узилишини;
9. Жинсини ;
10. Мехнат қобилиятининг доимий йукотилиш даражасини ёки жисмоний меҳнатга яроқлилигини аниқлашда жинсий аъзолар ҳолатини;
11. Таносил касалликлар бор ёки йуклигини;
12. Одам иммун танқислиги вирусини юктириш (ОИТС).

Жинсий балогатга етганликни(жинсий етукликни)аниқлаш:

Жинсий етуклик, балогатга етганлик экспертизасини утказиш суд-тергов органлари томонидан никоҳ ёши ҳақидаги қонунларни бузиб турмушга чиқиш ҳолларида утказилади. Ўзбекистон Республикасининг «Никоҳ ва оила» ҳақидаги қонунлари мажмуасининг махсус моддасига асосан никоҳ ёши 18 дан деб қабул қилинган. Бу ёшда организм жинсий жихатдан ривожланиб етилади ва оналик вазифаларини бажаришга тайёр булади.

Жинсий етуклик деганда, организмнинг хусусиятига кура жинсий алоқа қилиш вазифаларини, яъни жинсий қушилиш, уруғланиш, туғиш, бола эмизиш, тарбиялаш қабиларнинг организмга зиён етказмаслиги тушунилади. Жинсий етуклик мезонлари қуйидагилар билан таърифланади:

- Антропометрик белгилар бўйича бўйи 150 см дан кам бўлмаслиги, утирган ҳолатидаги бўйи-80 см, курак қасмининг айланаси 74-76 см, елкалар айланаси-30 см, болдир айланаси-40 см, икки ёнбош

суяги олдидан устки усиклари ораси 27 см,сон суяги кустлари ораси-29 см, ташки конюгата-18 см булиши керак;

- Иккиламчи жинсий белгиларининг ривож топиши,яъни тери ости ёг тукумаларининг ривожланиши,жинсий орган атрофларининг ва култик ости сохасининг соч билан копланиши,сут безларининг етилиши,узга жинс вакилларига нисбатан рухий узгаришлар;
- Жинсий органларнинг етилиши ва уларнинг функцияларининг ривожланиши,катта уятли лабларнинг холати,кин,бачадоннинг етилиши (бачадоннинг буйин кисми цилиндрик шаклда булиши ва умумий узунлигининг 3/1 кисмини ташкил этиши),хайз куриш жараёнининг кузатилиши;
- Бола бокишга,тарбиялашга рухий ва анатомио-физиологик жихатдан тайёр булиш.

Юкорида келтирилган мезонга асосланиб суд тиббиёти эксперти организмнинг жинсий етук ёки етукмаслигини аниқлайди.

Жинсни аниқлаш:

Жинс узининг махсус тузилиши билан тавсифланади. Жинслар узаро кескин фаркланадилар.Одатда ушбу фаркни аниқлаш кийин булмасада,айрим вақтларда уларни аниқлаш учун текшириш утказиш лозим булиб қолади, чунки икки жинсни кушилиш ҳолатлари содир булиши мумкин,яъни гермофродитизм руй бериши мумкин.

Гермофродитизм икки Юнон худодларининг- Гермес(эркак) ва Афродита (аёл) номларидан келиб чиққан булиб,икки жинсли маъносини беради.Демак, гермофродитлар икки жинс белгиларига эгадир.

Жинснинг аниқланиши учун жинсий безлар аёллар учун тухумдон, эркаклар учун мойкаларнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ҳақиқий ва калбаки гермофродитизм тафовутланади.Ҳақиқий гермофродитизм аёллар ва эркаклар жинсий безларининг борлиги билан таърифланса, калбаки гермофродитизм эса факат биттасининг мавжудлиги билан тавсифланади.Биринчи тури камдан кам учрайдиган ҳол,иккинчи тури эса онда-сонда учраб туради.Масалан,эркаклар калбаки гермофродитизмда аёллар тухумдони уз фаолиятини ижро этади ва клиторнинг катталиги олатни эслатади.Ташки жинсий органлар терисининг бурмалари мойка ҳалтачасини эслатиши мумкин.Аёллар калбаки гермофродитизмда факат эркаклар жинсий безларининг (тухумларининг) иш фаолияти кузатилади.Аммо шу билан биргаликда тухум ҳалтачасининг уртасидан катта уятли лабларни эслатувчи тиркиш пайдо булиб,икки қисмга булинади.Ундан ташқари, тухумдонлар, кин,бачадон рудиментларини куриш мумкин.

Зурлаб жинсий алоқа қилишга ҳос тиббий биологик белгиларни аниқлаш/зурлаш бўйича экспертиза/

Бу экспертизани утказишда суд тиббий экспертнинг вазифаларига булиб утган жинсий алоқани тасдиқловчи объектив маълумотларни шунингдек танадаги жароҳатларни аниқлаш қиради.Зурлаб жинсий алоқа қилиш ёки унга уриниш важида экспертиза утказишда қизлик пардасини бутунлиги ёки

бузилганлиги жароҳатланган вақти, ёрикларнинг жойлашиши уларни сони четларини ҳолати каттиклиги ва юзаларни ранги аникланади.

Кизлик пардасини бутунлиги бузилганлиги ва унинг вақтини аниқлашда, топилган жароҳатларнинг мумкин булган келиб чиқиш механизми ҳам курсатилади. Масалан: уларнинг таранглишган олат билан бармоқ ёки қандайдир бошқа каттик утмас нарса билан санчувчи, кесувчи буюм билан етказилганлиги ва шу қабилар. Кизлик пардаси янги жароҳатларида бачадон ва унинг ортикларини кин орқали текшириш руҳсат этилган текшириш факатгина парда битгандан сунг яни жинсий алоқадан 10-12 кун утгандан кейин утказилади.

Кизлик пардасига қушимча жароҳат етказмаслик учун кичик Қуско ойнаси ёрдамида икки қуллаб эҳтиёткорлик билан текширилади. Агар қуриқдан утаётган аёлнинг кизлик пардаси бутун ҳолда, парда бузилмасдан ҳам жинсий алоқа қилиш мумкинлиги аниқланса (кизлик пардасини тузилишни хусусиятлари ва унинг чузилувчанлиги) парда тешинини улчамлари четининг характери, қискариш ҳалқасини мавжудлиги ёки йуклиги курсатилади. Бундай ҳолларда тухтамларда кизлик пардасининг тузилиши унинг бутунлиги бузилмасдан жинсий алоқа қилишга йул қуйиши курсатилади. Жинсий алоқа вақтида кизлик пардасини бутунлиги бузилмаган ҳолатларда бачадон ва унинг ортиклари ҳолатини ҳомиладорлик мавжудлигини ва шу қабиларни аниқлаш учун ички жинсий аъзоларни текшириш кин орқали эмас балки тугри ичак орқали утказилади.

Жинсий ҳаёт билан яшаётган аёлларда жинсий аъзоларнинг жароҳатлари ва бошқа тан жароҳатлари мавжудлиги шунингдек жинсий аъзоларнинг умумий ҳолати аникланади.

Қуриқ Қуско ойнаси ва ички аъзоларни икки қуллаб текшириш ёрдамида утказилади. Кин ва бачадон буйинчаси соҳасидаги сперматозоидлар мавжудлиги ва сперма гуруҳий мансублигини аниқлаш учун суд биологик бўлимга юборилади. Агар жинсий алоқадан сунг 5 суткадан қуп вақт утган бўлса бу текширишни утказиш мақсадга мувофиқ эмас. Жабрланувчи аёлнинг орқа чиқарув йулига жинсий алоқа қилингандан кейин дефекация булмаган бўлса, сперматозоидларни топиш учун тугри ичакдан суртмалар олиш зарур.

Жарроҳлик пинцети учлари орасига пахта булагини учи кистирилади қолган қисми пинцет учи атрофида бир неча марта айлантирилади. Тампон тугри ичакка 3-5 см чуқурликка қиритилади. Айланма ҳаракат билан тугри ичак шиллик қавати артилади. Ториб олинган тампон предмет ойначаларида суртма тайёрланади. Улар қуригилади ва суд биологик бўлимга юборилади.

Жинсий бузуклик билан булган жинсий алоқага олатни огизга тикиш ҳам қиради. Бундан ҳолларда жабрланувчи аёлнинг огиз соҳасида лаблар шиллик қаватини шилиниши, тил юганчасини йиртилиши, каттик ва юмшоқ танглай соҳасига, лунжлар, шиллик қаватга қон қуйилиши қуринишда жароҳатлар топилиши мумкин.

Агар жабрланувчи аёл огизга жинсий алоқа қилингандан кейин овқат емаган ва суюқлик ичмаган бўлса у ҳолда тил ва лаблар, милқлардан суртма олиш зарур.

Фахш ҳаракатларига хос тиббий-биологик белгиларни аниклаш.

Вояга етмаганлар/16 ёшга тулмаган шахслар/ экспертизасида суд-тиббий экспертнинг вазифасига жароҳатлар ёки бошқа хос белгиларнинг мавжудлиги ёки йуқлигини аниклаш киради.

Фахш ҳаракатларнинг қуриниши турли хил бўлиб,уларнинг белгилари қуйидагича:кизлик пардаси шиллик каватини кизариши,унинг йиртилиши ва ёрилиши,парда катига,чети бўйлаб ёки асосига қон қуйилиши,ташки жинсий аъзолар/хусусан кичик лаблар,клитор,сийдик чиқариш йули ташки тешиги соҳаси/ шиллик каватидаги ёриклар,йиртиклар,тирналма ва қон қуйилишлар,қов,оралик,орқа чиқарув йули соҳасидаги турли хил жароҳатлар ва х.к.

Агар экспертизада факатгина ташки жинсий аъзолар шиллик каватининг кизариши аниқланса,у ҳолда қуриқдан утаётган шахсни 3-5 кун ўтгандан сўнг қайта қуриқдан ўтказиш зарур.Кизариш,нотоза саклаш,ғижжалар инвазияси ва х.к.лардан эмас,балки бир марта бўлган фахш ҳаракати натижасида келибчиққан бўлса,бу вақт ичида йуқолади.

Қайиксимон чуқурча ва орқа уланув/спайка/ҳолатига эътибор бериш зарур.Чунки фахш ҳаракатлари мунтазам равишда қилинганда,бу соҳалар механик таъсирга/босимга/ўчрайди,натижада жинсий тирқиш очилиб туриши,орқа соҳасида қоронқасимон чуқурлик ҳосил бўлиши,оралик,орқа уланув/спайка/ ва қайиксимон чуқурлик атрофида тери атрофияси қузатилиши мумкин.Бу белгиларнинг ҳаммаси биргаликда ҳисобга олиниши керак,чунки улардан баъзилари фахш ҳаракатлар билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда ҳам қузатилиши мумкин.

Бу экспертизада жинсий аъзолар,улар атрофида шунингдек,қуриқдан утаётган аёл танаси ва қийимида манийнинг топилиши қатта далилий аҳамиятга эга.Бундай ҳолларда суд-биологик бўлимга факатгина дилоқ/ёки дилоқ дахлизи/ичидаги нарсаларгина эмас,балки қуриқдан утаётган аёл танасининг бошқа жойларидан манийга шубҳа қилинган қуриган суюқлик излари ҳам юборилади.

Таносил қасалликлари ёки трихомониазага шубҳа тугилса,қуриқдан утаётган аёл тқри-таносил қасалликлари диспансерига юборилади.Фахш ҳаракатлари бўйича ўтказилган экспертизада бу қасалликларни топиш аҳамиятга эга бўлиши мумкин,шу билан бирга бунда ножинсий йул билан юктириш эҳтимолини ўнўтмаслик лозим.

Фахш ҳаракатлари бўйича текширишда орқа чиқарув тешигини ҳам қуриш лозим.Орқа чиқарув тешигини текшириш болалар қушетқасида қуриқдан утаётган аёлнинг тизза-тирсак ҳолатида ўтказилади.Думбаларни қул билан бир оз иқққла томонга тортиб,чандиқлар бўлиши мумкинлигига,орқа чиқарув йул шаклига /кичкина чуқурлик,қенг ёки ботик қоронқа қуринишида ва бошқалар/ орқа чиқарув тешиги атрофидаги тери нурсимон бурмаларининг яққоллигига,тешиқнинг очилиб туриши мавжудлигига эътибор берилади.

Қейин думбалар иққала томонга қенгрок тортилади ва анал тешиқ қенгайтирилиб/очилиб/туғри ичак шиллик кавати ранги,ёриклар,шилиқмалар ва қралар мавжудлиги,сфинқтернинг тонуси/туғри ичакка вазелин суртилган

бармокни киритиш усули билан/аникланади.Ректал сузак мавжудлигига алохида эътибор берилади.

Орка чикарув йули оркали мунтазам килинган жинсий алокаларда орка чикарув йули ва тугри ичак сохасида куйидаги хос узгаришлар пайдо булади:орка чикарув тешигининг воронкасимон ботиклиги ва осилиб туриши,орка чикарув тешиги ва тугри ичак шиллик кавати сохасида бурмаларнинг текисланиши,шиллик каватнинг кукимтир тусли тук кизил ранг,сфинктерларнинг бушаши,тугри ичак шиллик каватининг шалвираганлиги ва сулгинлиги,тугри ичак ампуляр кисининг кенгайиши ва х.к.Шуни хам кузда тутиш керакки,орка чикарув йули сохаси нормадан тор ёки кенг воронка шаклида хам булиши мумкин булиб,воронка бундай холларда шиллик кават хисобига хосил булади.Агар воронкасимон ботиклик орка чикарув йули оркали мунтазам килинган жинсий алока окибатида келиб чиккан булса,у холда воронканинг деворлари орка чикарув йули шиллик кавати ва терида ташкил топади.Юкорида курсатилаган белгилардан баъзилари ичак фаолиятининг бузилиши,шу жумладан,кабзият,ич кетиши натижасида хам пайдо булиши мумкинлигини эсдан чикармаслик керак.

Аёл кишининг жинсий алокага лаёкатлилик ва хомиладор булиш кобилияти аниклаш.

Бундай экспертизани утказилишига сабаб булиб,никохни бекор килиш,аёл кишини бегона болани узлаштириши хизмат килади.Жинсий алокага лаёкатлилик ва хомиладор булиш кобилияти унумдорлик кобилиятини ташкил килади.Жинсий органлар анатомияси нуктаи назаридан каралса бирор касаллик ёки шикастланишдан кейин жинсий органларнинг чандиксимон узгаришлари туфайли жинсий алока килиш лаёкати булмайди.Аёл кишини хомиладор булмаслиги бачадон ривожланмаганлигида,балогат ёшига етмаганда ва кари ёшдаги кишиларда кузатилади. Бачадоннинг Фаллопи найлари яллигланиши билан боглик касалликларда,жароухатланиш каби холларда хам уругланиш содир булмайди.Бундай холларда тухумдон ёки бачадонни операция йули билан олиб ташлашга тугри келади,катта микдорли реактив нурлар билан нурланганида Фаллопи найлари боглаб ташланади.Унумдорлик хакидаги хулоса акушер-гинекологларнинг суд-тиббиёти экспертлари билан биргаликдаги текширувларидан кейин чикарилади.

Аёллар хомиладорлигини ва тукканлигини аниклаш.

Хомиладор булганлик экспертизаси жинсий жиноятларни фош этиш учун белгиланади.Бундан ташкари,мазкур хил эксперица уз боласини улдирганда,улим билан тугаган аборт ходисалари тавсилотини аниклаш учун хам килинади.Экспертиза суд тиббиёти экспертлари ва акушер-гинекологлар томонидан олиб борилади.

Хомиладорликнинг бириняи ярми куйидаги белгилар асосида аникланади: иштаханинг узгариши,кунгил айнаиши,кусиш,хид билиш органлари фаолиятининг узгариши,сержахллик,куп ухлаш.Юзда,кориннинг ок чизигида, сургич атрофида пигмент доғларининг хосил булиши. Хомиладорликнинг эхтимоллик белгиларига:хайзнинг тухташи,жинсий органлар шиллик

каватининг кукарган булиши,бачадон хажмининг, шаклининг ва консистенциясининг узгариши киради.Бундан ташкари, Ашгейм-Цондек ва бошка биологик реакциялар натижаси хам мухим ахамиятга эга. Хомиладорлик бачадонда боланинг борлиги билан,боланинг тана кисмларини пайпаслаб куриш,юрак тонларини эшитиш,бола скелетининг рентгенда куриниши билан аникланади.

Тукканлик бачадоннинг холатига,тугиш йулига,кукрак безлари ва кин ажралмаси(лохий)асосида аникланади.Хомиладорлик ва тукканликни кориндаги чандикка караб,кизлик пардасини ёрилишига,ков сохаси ва киндаги чандиклар асосида экспертиза килинади.

Эркактарнинг жинсий алокага,уруглантиришга лаёкатлилигини аниклаш.

Эркактарнинг жинсий алокага лаёкатлилиги ёки лаёкатсизлиги ташки жинсий аъзоларининг тузилиши,аномалия мавжудлиги ёки йуклигига боғлиқ.Улар тугма(эписпадия) ёки сунъий операциядан кейин чандиклар хосил булиши, гангренадан кейин олатнинг бир кисмини кесиб ташлаш сабабли булиши мумкин.Жинсий алока килишга даба мавжудлиги, тухум халтачасининг инфантиллиги тускинлик килиши мумкин.Бирок,эксперт мазкур холатларда уз фикрини беришга эҳтиёт булиши лозим,чунки эркак киши даба булла туриб,жинсий алока килишга кодир булиши мумкин.

Жинсий алокага лаёкатлилиқ ёш утган сари пасаяди ёки йуколади.60 ёшли эркактарнинг жинсий алока килиш куввати пасайиши,70 ёшли эркактарники эса йуколиши мумкин,аммо хаммасиники эмас.Орка мия,бош мия касалликлари импотенцияни,яъни жинсий алокага лаёкатсизликни келтириб чиқариши мумкин.Ундан ташкари, импотенция функционал,рухий тарзда хам ифодаланиши мумкин.Уруглантиришга лаёкатлилиқни аниклаш оталиқни аниклаш экспертлари вақтида лозим булади.Масалан,жавобгар нафақа тулашдан бош тортиб ундан бола булиши мумкинлигини инкор этади. Мазкур холларда эркактарнинг спермаси текширилади.Маний таркибида сперматозоидлар улик булса(некроспермия)ёки уларнинг сони жуда хам кам булса (олигозооспермия)эркак киши жинсий алокага (кушилишга)лаёкатли булсада, уруглантиришга лаёкатсиз булади.

Спермада сперматозоидлар сони, харақатчанлиги ва уларнинг шакллари етарли даражада етук булса,унда эркак уруглантиришга лаёкатли булиши мумкин.

Хомиладорликнинг сунъий узилишини аниклаш/криминал аборт экспертизаси/

Даволаш муассасаларида,лекин тегишли асоссиз,ёки врач томонидан даволаш муассасаларидан ташкарида,ёхуд тегишли тиббий маълумотга эга булмаган шахс томониданутказилган аборт криминал аборт деб хисобланади.

Бундай холларда суд-тиббий эксперт куйидагиларни аниклайди:

А)курикдан утаётган аёл хомиладор булганми?

Б)унда аборт булганми?

В)аборт хомиладорликнинг кандай муддатида содир булган?

Г)аборт уз-уздан булганми ёки сунъий утказилганми?

Д)аборт утказилгандан кейин канча вақт утган?

Е)аборт кандау усуллар билан утказилган?

Ж)аборт курикдан утаётган аёлга кандай зарар етказган?

З)аборт курикдан утаётган аёл томонидан утказилганини ёки бошка шахс томониданми?

И)аборт курикдан аёл курсатган холатларда утказилиши мумкинми?

Абортнинг сабаблари/сунъий,уз-уздан/ хакидаги саволларни хал килишда куйидаги анамнестик маълумотлар хисобга олинади:

1)курикдан утаётган аёл илгари ва бошланган абортдан сал олдин огриган касалликлар/хусусан таносил касалликлари/

2)хомиладорликлар сони,уларнинг кечиши ва натижаси.

3)аборт юз берган холатва вақт.

Абортни экспертиза килиш учун куйидаги саволларни куриб чиқиш керак.Текширилаётган кишида хакикатдан ҳам хомиладорлик булганми,у хомилани олдириб ташламаганми,агар хакикатдан ҳам олдирган булса, ихтиёрийми ёки ихтиёрсизми,кандай усул билан олдирган,хомиладорликнинг бузилишида кайси усул кулланилган?

Хомилани олдириш усуллари 3 асосий гуруҳга булиш мумкин:

-организмга умумий таъсир этиш;

-бачадон ичига узга каттик нарсалар юбориш;

-бачадон ичига хар хил суюкликлар юбориш.

Организмга умумий таъсир этиш:узок булган масофага тезлик билан юриш, вибрацион таъсирлар,огир юк кутариш,ташки ва комбинацияли равишда бачадонни кул билан кисишлар,кайнок ванна ёки душга тушиш,горчичниклар куйиш боланинг тушишига олиб келади.Бачадон ичига ташки омил воситасида таъсир этиш: катетер,буж, тукув спицаси,пар,дарахт чуплари, каламлар киргизиш йули билан амалга оширилади.Бачадонга суюклик юбориш хар хил инструментлар ёрдамида бажарилади,куп холларда спринцовка кулланилади.Жунатиш учун сув,мишъяк суюклиги, спирт, йод, совунли сув кулланилади.Бундан ташкари,хомилани бузишда юкори меъёрли доривор моддалар ва хоказолар кулланилади.Бу эса ҳам она,хам бола организмига захарли (токсик)таъсир курсатади.Бу максатда хинин, симоб, маргимуш,олеандира суюклиги,пилокарпин,пахикарпин,скпидар,гормонал моддалар (питиутрин,фолликулин,синэстрол)кулланилади.Ихтиёрсиз аборт хакида куйидаги холларда суз кетиши мумкин:она ва бола организмидаги паталогик узгаришлар,юкумли касалликлар билан огриганда,хар хил таносил касалликларида,хар хил ички интоксикацияларда,декомпенсив юрак порокларида,буйрак касаллигида,бачадоннинг нотугри жойлашуви, бачадоннинг ривожланмаганлиги ёки хар хил касалликларида,ички безлар секрециясининг бузилишида ва бошка холларда учрайди.Жиноий равишда килинган аборт узидан кейин асоратлар колдириб,улимга ҳам олиб келади. Хар хил доривор моддаларни ичиш,бачадон ичига ёт нарсалар тикиш унинг ёрилиб кетишига олиб келади.Бачадон ичига суюкликлар юборишда унинг веналарига суюклик билан бирга хаво ҳам кириб эмболияга олиб келади. Бачадон бушлигига сурилиб унга захарли таъсир этади.Хомиланинг бузилиши сепсис каби асоратларга олиб келади.Жиноий абортларнинг натижаси боласизликка олиб келади.Жиноий абортларни аниклаш купгина кийинчиликлар тугдиради,чунки хомиладорликнинг эрта вақтларида из

колдирмай тугаши мумкин.Хомиладорликнинг эрта белгилари кукрак учудаги пигмент доғларининг мавжудлиги, кукрак безларидан суюклик чиқиши,кориннинг ок чизигида пигмент доғларининг мавжудлиги,кин шиллик каватининг кукимтир ранга кириши хомиланинг тугашидан далолат бермайди.Бунинг учун гормонал белгиларни урганиш муҳим,чунки улар хомиладорлик бузилгандан кейин 5-7 кунгача сакланиб қолади.Биокимёвий усулда текширишларнинг курсатишича. хомиладорлик бузилгандан кейин буладиган оксил ва бошқа узғаришларни чилла даврида,яъни 40 кунгача аниклаш мумкин. Аёллар маслахатхонасининг гинекологик булимларидаги тиббий хужжатлар аборт булганидан далолат бериши мумкин.Кечи аборт ва муддатидан илгари тугиш аёл организмида аник узғаришлар колдиради,шунинг учун хомиланинг бузилишини хомиладорликнинг чрмида осонлик билан аниклаш мумкин.Агар текширишлар абортдан кейин килинса, чойшаб ва кийимлардаги кон доғлари бевосита далил булиб хизмат қилади. Бачадон суюклигидаги хомиланинг қисмлари, бачадоннинг инволюцион узғариши ва унинг ажратмаларини узғариши муҳим аҳамиятга эга. Хомиланинг бузилишини айрим вақтларда гинекологик курик йули билан аниклаш мумкин.Бунда бачадон буйни,кин деворларининг механик шикасланиши,кин шиллик каватини ташки таъсирлар,яъни йод ва калий перманганати суюклиги таъсиридан куйиши каби аломатлар далил булади. Улик ёриб қурилганида бачадондаги плацента дайdonи,хомила далил булиб хизмат қилади.Тухумдонда сарик тананинг булиши хомиланинг булганлигидан далолат беради.Абортнинг бевосита далили булиб,кин ва бачадонга кирган предметларнинг излари.хажми,бачадон бушлигидаги йирингли ҳолатлар хизмат қилади.Хомиладорлик бузилиши ҳақидаги саволларни ечиш давомида гистологик изланишлар туфайли хорион хужайра, хомила пустлогини, эндометриядаги(бачадон шиллик кавати)узғаришлар туқиманинг инфильтрациясига қараб абортнинг қачон қилинганлигини, бачадонга юборилган суюкликлар ҳажмини ва хусусиятини аниклаш мумкин. Жиноий аборт вақтида қучли кон йукотиш,хомиладорлиени бузиш мақсадида қулланилган нарсалардан захарланиш,шок,кон томирлардаги ҳаво эмболияси,сепсис улим сабаби булиши мумкин.Жиноий равишда қилинган абортнинг аниклаш учун уни қилган жойини қузатиш керак,чунки бу ерда кимёвий моддалар,табiiй анжомлар ёки буюмлар, буюмлардаги кон излари, кон булган пахта,дока ва хомиланинг қолдиқлари топилиши мумкин. Топилган буюмлар ашёвий далил сифатида текшириш учун тегишли лабораторияларга жунатилиши керак.

Таносил ёки ОИТС қасаллиқларини тарқатиш:

Таносил ёки ОИТС қасаллиқларини тарқатиш (юктириш)жиноий иш деб ҳисобланади.Ушбу жиноят таносил қасаллигига учраган шахс томонидан қасаллик вақтида,уни уни даволаш чоғида содир этилиши мумкин.Киши узини таносил қасаллигига учраганини била туриб,бирор киши билан жинсий алоқа қилса,ёхуд бошқа йулар билан уни бундай қасалликка дучор этса,жиноий жавобгарликка тортилади.Ушбу моддада қурсатилган жиноят шахснинг ҳаётига ва соғлигига қарши қаратилган.Ушбу жинояттаносил қасаллигига учраган шахс томонидан уни даволаш чоғида ёки даволаш муассасаларининг қузатувиостида булган даврда содир этилиши мумкин.Таносил қасаллигини

юктириш хакида,ушбу жиноий иш тугрисида жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси жиноий кодексининг 113-моддасига киритилган. «Била туриб,бошқа шахсни таносил касаллигини юктириш хавфи остида колдириш-энг кам ойлик иш хакининг йигирма беш бараваригача микдорида жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойга камок билан жазоланади.

Узида таносил касаллиги борлигини била туриб,бу касални бошқа шахсга юктириш-уч ойдан олти ойгача камок ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёкииккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:а)икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан; б)вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса,-беш йилдан саккиз йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади.

Била туриб,бошқа шахсни ОИТСкасаллигини юктириш хавфи остида колдириш ёки унга ОИТСкасаллигини юктириш-саккиз йилдан ун йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади».

ЖИНСИЙ ЖИНОЯТ ЭКСПЕРТИЗАЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида мувофиқ қуйидаги жинсий жиноятлар учун жавобгарлик қайд этилган:

Номусга тегиш,жинсий балогат ёшига(16) етмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш,усмирларни фоҳишабозликка ургатиш,аёлларни жинсий алоқага мажбурлаш,никоҳ ёшига етмаган уйлантириш ёки никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш,икки ёки куп хотинлилик,ёлгон эрқаклик, бесоқолбозлик, таносил,ОИТС касалликларини тарқатиш ва уларни даволашдан буйин товлаш.

Дефлорация:

Дефлорация(лотинча de қушимча, йуккилиш,бузиш+ flora гул) кизлик пардасининг йиртилиши,кизлик пардасининг анатомик бутунлигининг бузилиши.Кизлик парда ташки жинсий қисмини ичкисидан ажратиб туради.У юпка пардадан иборат бўлиб,кизларда Кинга кириш тешигини беркитиб туради.Уни турли шаклларда учратиш мумкин,масалан,халқасимон, панжарасимон,яримойсимон,парраксимон ва бошқалар.Кизлик пардасининг тешиги,парда шаклининг узгариши билан узгаради.Баъзан, ёшлиқда, яллиғланиш натижасида кизлик пардасининг тешиги қисман бекилиши мумкин.Кизлик пардаси қанча кенг ва қалин бўлса,унинг тешиги шунча тор бўлади ва унинг акси-парда тор,юпка,паст бўлса,кизлик тешиги шунча катта бўлади.Бундай ҳолларда,яъни кизлик пардасининг эластиклиги, чузилувчанлиги,тешиенинг катталиги туфайли,жинсий алоқа кизлик пардаси бузилмасдан утиши мумкин.Кизлик пардаси бузилмасдан утиши мумкин. Кизлик пардаси узок вақт давомида жинсий алоқаларда бузилмасдан, факат тугиш жараёнида бузилиши,дефлорацияланиши (йиртилиши) мумкин. Йирилган жойнинг атрофларида қон талашишлар,қон кетиш(нихоят кам микдорда)қузатилади.Умумий айтганда жинсий алоқадан кейин,кизлик пардасининг бузилиши,қон кетиши,қон талашишларнинг пайдо бўлиши дефлорациянинг вақтини аниқлашга ёрдам беради.Бундай узгаришлар натижасида кизлик пардаси урнида сургичлари қолади.Кизлик пардасининг излари(қолдиқлари)қин томонидан ҳам,дахлиз томонидан ҳам,қуп қаватли

ясси эпителий билан копланган булиб,улар уртасида мускул толалари,эластик иплар,кон томирлари жойлашганлиги билан тавсифланади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки,айрим вақтларда(масалан,кизчаларни зурлаганда)нафакат кизлик пардасининг дефлорацияси,киннинг йиртилиши, хатто эластик хусусиятга эга булган чотнинг ҳам(жинсий орган билан орка тешик уртасидаги соха) йиртилиши кузатилади.Бу холда киннинг кириш тешиги очик колади,унинг деворлари пастга(ташкарига) тушиши мумкин.

Номусга тегиш-юримдик тушунча булиб,жабрдийдани хохишига карамай куч билан,куркитиш йули билан килинган ёки ночор,бехол ахволда колганда килинган жинсий алокани англатади.Экспертиза суд акушерлик ва гинекологик сохалари махсус тайёрланган суд тиббиёти эксперти ёки комиссияси томонидан,тергов органларини крорига биноан олиб борилади.Бугда булган воқеа тулик курсатилиши ва куйидаги саволлар аник ёритилиши керак:

- тан жарохати мавжудми,унинг жинсий жиноят учун тавсифли томонлари кандай, жинсий аъзоларда тан жарохатлари мавжудми?

-кизлик пардасининг бутунлиги сакланганми,агар у бузилган булса, қачон булган;кинда,жинсий аъзоларда ёки тананинг бошка қисмларида сперма борми?

Номусга тегиш энг огир конун бузиш тури ҳисобланади.Жисмоний куч билан килинган жинсий алокани таҳлил қилаётганда тажовуз кандай куч билан таъсир этади,хамда жабрдийда узини кандай химоя қилади. Шуни ҳисобга олиш керак.Бундан ташқари кандай шароитда ва кандай ҳолатда жинсий алоқа булгани ҳам ҳисобга олинади(одамсиз жой,тусатдан таъсир этиш,аёлнинг узини йукотиб куйиши,куркиши,огриклар,жисмоний кучсизлик.наркотиклар кулланилиши ва куркитишлар).Вояга етмаган ёшларни зурлаб номусига текканда жабрланувчининг факат жисмоний кучсизлиги эмас,балки узини химоя қила олмаслиги,қаршилиқ қилолмаслиги ҳам ҳисобга олинади.Суд амалиётидаги куйидаги воқеалар учраб туради.Бир киши зурлаб аёл(киз)нинг номусига текканда колганлари жабрланувчининг қаршилигини бартараф этиб туради(қуп киши булиб номусга текканда),бунда жабрланувчининг танасида жисмоний таъсир излари булмайди.Қуп киши булиб номусга текканда жинсий алоқа қуп марта булади.Бунинг учун ҳар хил одамдан урган спермани лабороторияда дифференсация қилишга тугри қелади.Айни чоғда аёл кишининг ночор,бехол ҳолатида зурлаш ҳам аҳамиятга эга.Масалан,аёл кишини қасаллиги туфайли кучсизлиги вақтида,хушидан қетганида,сунъий равишда ухлатилганида,спиртли ичимликлар ичганида ва бошка шароитларда номусга тегиш.Экспертизанинг энг муҳим шартларидан бири текшириш ишларини уз вақтида бажаришдир.Кечиктирилган текширишда далилий ашёлар топилмаслиги(сперма),жинсий аъзолар дастлабки ҳолатини йукотиш,жиноят изларининг йук булиб қетиши мумкин.Экспертиза учун булиб утган воқеани батафсил таърифлаш, жабрланувчининг қаршилиқ курсатиши характерини аник белгилаш муҳим аҳамиятга эга.Зеро,аёл кишининг (жабрланувчининг) қаршилиқ қилимш характерини билиш,суд тиббиёти экспертининг жиноят содир этилган жойни текширишда иштирок этиши,жиноий ҳолатни тугри аниқлашга имкон беради.

